

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЛАЕВ ИХТИЁР БАХТИЯРОВИЧ**

**ХОРАЗМ ВОҲАСИДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ**  
**АНЪАНАВИЙ ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР**  
**(XIX-XX АСРЛАР)**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Салаев Ихтиёр Бахтиярович**

Хоразм воҳаси уй-жой қурилиши билан боғлиқ анъанавий ва трансформацион жараёнлар (XIX-XX асрлар).....5

**Салаев Ихтиёр Бахтиярович**

Традиционные и трансформационные процессы, связанные с жилищным строительством в Хорезмском оазисе (XIX-XX вв).....25

**Salayev Ikhtiyar Bakhtiyarovich**

Traditional and transformational processes connecting with building in Khorezm region (XIX-XX centuries).....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЛАЕВ ИХТИЁР БАХТИЯРОВИЧ**

**ХОРАЗМ ВОҲАСИДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ**  
**АНЪАНАВИЙ ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР**  
**(XIX-XX АСРЛАР)**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tar275 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.urdu.uz](http://www.urdu.uz)) ҳамда “Ziynet” ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исоҳов Мирсодик Мирсултонович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Баллиева Руза**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Бўриев Очил**  
тарих фанлари номзоди, профессор

**Ўтақчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация химояси Урганч давлат университети хузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD 03/30.06.2021. Tar.55.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «22» ноябр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99862) 224-67-00; Факс: (99862) 224-67-00; e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz))

Диссертация билан Урганч давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (624 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99862) 224-67-00; Факс: (99862) 224-67-00)

Диссертация автореферати 2022 йил «22» ноябр куни тарқатилди.  
(2022 йил «22» ноябр даги 5 рақамли реєстр баённомаси)



**С.Р.Давлетов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси т.ф.д.,  
профессор

**Я.А.Каримов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
PhD, доцент

**У.И.Абдуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, т.ф.д.,  
доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб, турли даража ва кўринишларда глобаллашув жараёнлари содир бўлмоқда. Ушбу жараёнлар жамиятнинг онги, руҳи ва турмуш тарзида бир катор ўзгаришлар билан бирга, қадриятларни умуминсоний негизда уйғунлаштириб, маданий ўзига хосликка ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Хусусан, аҳоли сони ва турмуш маданиятининг ўсиб бориши, уй-жой қурилиши соҳасида янги ва замонавий қурилиш материалларининг кашф этилиши, бинокорлик жараёнларида янги меёрлар ва замонавий усуллардан фойдаланиш каби омиллар натижасида уй-жойларни бунёд этиш янги сифат босқичига кўтарилиш билан баробар туб анъаналардан узоклашиб ҳам бормоқда.

Ҳозирги даврда, уй-жой қурилиши ишларида анъанавийлик кўплаб янги унсурлар билан бойиди. Аҳоли анъанавий турар жой типлари, уларнинг тузилиши билан янгича ҳаёт тарзи ўртасидаги танловда замонавий типни маъқул кўра бошлади. Замонавий услубда ва бир хилда лойихалаштирилган уй-жойларнинг қурилиши натижасида ўзига хос этнолокал хусусиятлар аста-секин унутилмоқда. Шу билан бирга, уй-жой қурилиши билан боғлиқ урф-одат ва маросимларда ҳам қадимий анъанавий унсурлар билан янгиликларнинг қоришуви (синкретлашув), эскиларининг трансформациялашуви ва баъзан исломий маъно касб этиши каби сабаблар муаммонинг аҳамиятини кўрсатмоқда.

Хоразм воҳаси ўзига хос тарихий-этнографик минтақа бўлиб, узок ўтмишдан бошлаб, мазкур воҳа аҳолиси ўтроқ деҳқончилик ва шаҳарсозлик маданиятини ривожлантириб келган. Ўлка Ўрта Осиёнинг бошқа обод минтақаларидан бир қадар чўл ва саҳролар билан ажралиб турганлиги сабабли, воҳанинг уй-жой қурилиши билан боғлиқ анъаналарида узок ўтмишга хос бўлган кўплаб локал этнографик хусусиятлар сақланиб қолган. Бироқ даврлар ўтган сари, воҳа аҳолисининг уй-жой қурилиши ишларида ҳам ички ўзгаришлар ва янгиликлар кузатила бошлади. Хоразм археология ва этнография экспедицияси томонидан амалга оширилган тадқиқотлар ҳам аллақачон фаннинг муҳим тарихий саҳифасига айланди. Уй-жой қурилиши жараёни, уйга яшаш учун кириш билан боғлиқ расм-русумлар, урф-одатларда ҳам қадимийлик ва янгилик ўртасида муроса, эскиларининг трансформацияси туфайли илм-фан келажаги учун қайд этилиши зарур бўлган масалалардир. Воҳа аҳолиси уй-жой қурилиши билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар ҳақида мақолалар яратилган. Лекин, ҳозиргача мазкур мавзуда мукамал ва тўлақонли диссертация иши бажарилмаган. Бу танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 16 январдаги Ф-5181-сон “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги

Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сон “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги, шунингдек, 2019 йил 15 августдаги 673-сон “2019-2022 йилларда Хоразм вилоятининг Хива шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хоразм минтақасининг уй-жой қурилиши соҳасида аждоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналари ва маросимларини бошқа ҳудудлар уй-жой қурилиши анъаналари билан қиёсий тарзда ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳозирги кунда этнология фани олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Чунки кейинги бир неча ўн йилликлар давомида Хоразм аҳолисининг турмуш маданиятида, уй-жой қурилиши технологиясида, маълум ўзгаришлар кўзга ташланиб бормоқда. Бу масала бир жиҳатдан қурилиш материалларининг замонавий турлари ва улардан фойдаланишда янги усулларни тақозо қилаётгани билан ҳам боғлиқ. Иккинчи жиҳатдан эса, аҳоли анъанавий турар жой типлари, уларнинг тузилиши билан янги ҳаёт тарзи ўртасидаги танловда замонавий тип маъқул келмоқда.

Бу масалалар XX аср 30-йиллари охиридан то 80-йилларга қадар собиқ СССР Фанлар академияси Этнография институти экспедицияси аъзолари (Е.Е.Неразик, М.В.Созонова, К.Л.Задыхина, Г.П.Снесарев ва бошқалар) ҳамда Ўзбекистон этнологлари (К.Шониёзов, Ҳ.Исмоилов, О.Ибрагимов) томонидан ўрганилган. Бироқ, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Хоразм аҳолиси ҳаётида жиддий замонавий ўзгаришлар сабабли, маҳаллий этномаданий жараёнларда замонавийлашув, уй-жойлар қиёфасида янги аломатлар тобора кўпроқ сезила бошлаган.

С.П.Толстов (1907-1976) раҳбарлигидаги комплекс экспедиция (Хоразм археологик-этнографик экспедицияси) мазкур жараёнларни ўз даври, яъни XX аср ўрталари даражасида бир қадар ўрганишга улгурган. Айниқса, Г.П.Снесарев (1910-1989) ва унинг этнографлар гуруҳидан иборат шогирдлари маҳаллий этнографик ҳолатни бирламчи тавсифий ҳамда таҳлилий тадқиқот даражаларида қамраб олишга ҳаракат қилган. Бу ҳаракат XX асрнинг сўнгги чорагида деярли тўхтаб қолган. Шундан то ҳозирга қадар воҳа аҳолиси ҳаётида рўй бераётган чуқур этномаданий жараёнлар билан биргаликда воҳа уй-жойларининг локал хусусиятлари ва бошқа ҳудудлар уй-жойлар қурилишидаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари тизимли тарзда ўрганилмай келмоқда. Бу соҳада ҳимоя қилинган диссертациялар ва нашр этилган илмий ишларда мавзуга кўпроқ архитектура йўналиши бўйича ёндашилган. Лекин уй-жойлар қурилишидаги этнографик масалалар (уй-жой қурилиши билан

боғлиқ урф-одат ва маросимлар, ирим-сиримлар) алоҳида диссертация тарзида илмий тадқиқ қилинмаган.

Хоразм воҳасида уй-жой қурилиши тўғрисидаги ёзма манбаларни ўрганишда мавзуга оид манба ва тадқиқотларнинг илмий аҳамиятига кўра ва хронологик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир:

- XX аср бошларигача бўлган ёзма манбалар;
- Совет даври тарихшунослиги таҳлили;
- Мустақиллик даври тадқиқотлари;
- Хорижий тадқиқотлар.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси** диссертациянинг биринчи бобида батафсил берилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Урганч давлат университети ва Хоразм Маъмун академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ, Ф1-ФА-О-16549 –“Хоразм тарихи (I жилд. Энг қадимги даврлардан V асргача. II жилд. V асрдан XVI асргача)” мавзусидаги фундаменталтадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Хоразм воҳасида уй-жой қурилиши ва бу жараён билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар мазмун-моҳиятини тарихий-этнологик йўналишда ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- воҳа уй-жой қурилишидаги анъанавий ва ўзига хос локал хусусиятларнинг манбалар ва илмий адабиётларда ёритилишини танқидий илмий таҳлил қилиш;

- воҳа уй-жойларининг қурилиши, услуби ва безакларидаги анъанавийлик, ўзига хослик ва янгилик аломатларини ўрганиш ва қурилишда ишлатиладиган анъанавий материаллар, асбоб-ускуналар улардан фойдаланишнинг асрий тажриба сифатидаги аҳамиятини очиқ бериш;

- анъанавий уй-жой қурилишининг сақланиб қолган ноёб намуналарини сақлаш, таъмирлаш, моддий ва маънавий қадрият сифатида оммага етказиш, ҳамда туризм объектлари захирасини бойитиш ҳақида амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

- воҳа уй-жой қурилиши билан боғлиқ анъана, урф-одатлар ва маросимларни тадқиқ этиш, анъанавийлик ва замонавийлашув ўртасидаги зиддиятли, муросавий ва синкретлашув тенденцияларини белгилаш, натижалардан зарур илмий хулосалар чиқариш, соҳа тараққиётини белгиловчи истиқболли йўналишларни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Хоразм воҳасида XIX-XX асрларда уй-жой қурилишининг этнолокал хусусиятларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предметини** Хоразм воҳаси аҳолисининг уй-жой қурилиши билан боғлиқ қарашлари, урф-одат, анъаналари, маросимлари ва улардаги трансформацион жараёнлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда фанлараро ёндашув, этносоциологик таҳлил, киёсий таҳлил, шахсий кузатув, эмпирик билим эгалари респондентлар маълумотларини ҳамда дала материалларини тасниф, тадқиқ ва талқин қилиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- Хоразм воҳаси аҳолиси уй-жой қурилиши генезисидан бошлаб, барча босқичлар тарихшунослиги танқидий таҳлил этилиб, диссертация хронологик чегаралари доирасида соҳада кечган жадал трансформацион жараёнларнинг асосий тенденциялари ва йўналишлари кўрсатиб берилган;

- XIX-XX асрлардаги Хоразм воҳаси уй-жой қурилиши билан боғлиқ жараёнлардаги анъанавийлик ва модерн аломатлари, трансформациялашув ҳолатлари, мустамлака даври қурилиш ишларида кузатилган европача ва маҳаллий технологиялар аралашуви, совет даври қурилиш стандартларида миллий анъаналарнинг йўққа чиқиши, миллий-маданий ўзига хос, ўхшаш ва фарқли томонлари кўрсатилган;

- уй-жой қурилиш жараёни ва янги хонадонга кўчиб кириш билан боғлиқ ирим-сирим, урф-одат ва маросимлар, жумладан, *“Қозик қоқди”*, *“Чархавик қағда”*, *“Жой тўйи”* ва *“Уста потя”(фотиҳа)* каби унитила бошланган маросимларнинг тарихий ментал асослари, мазмун-моҳияти, бошқа ҳудудлардаги ҳолатлар билан ўхшаш ва фарқли хусусиятлари ҳамда муштарак жиҳатлари киёсий ўрганилган;

- уй-жой қурилиши учун жой танлаш масаласи, воҳанинг иқлим шароити, заминнинг ўзига хос хусусияти, танлашга маъқул ёки номаъқул омиллар этнологияси аниқланиб, ушбу анъаналарнинг бошқа минтақаларга ўхшамайдиган тарихий сабаблари ва амалдаги ҳолати ўртасида кечган жиҳатлар воҳа аҳолиси турмуш маданиятидаги ўзгаришлар фонида улкан трансформацион ҳолатларни бошдан кечиргани очиқ берилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

- Хоразм воҳаси уй-жой қурилиши билан боғлиқ анъанавий ва трансформацион жараёнлар тарихшунослигига оид таҳлилий материал, аввало мавзу доирасида келажакда янада кенг қамровли ва чуқур тадқиқотлар учун замин бўлиб хизмат қилади. Бу соҳадаги ва умуман воҳа бўйича этнологик тадқиқотлар доирасининг сезиларли кенгайишига имкон яратади;

- тадқиқотнинг фанлараро (тарих, этнография, археология, манбашунослик, санъатшунослик ва меъморлик) хусусияти воҳа этнологиясининг турли қирралари бўйича қатор мавзуларни ўртага қўйиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилади ва бу ишнинг назарий ҳамда амалий аҳамиятини белгилайди;

- тадқиқот натижаларидан воҳа бўйича умумлаштирувчи фундаментал этнологик тадқиқотларнинг бир қисми ҳамда таълим муассасасаларида этнология фани учун ўқув адабиётлари билан бойитишда фойдаланиш мумкин;

- тадқиқот материаллари асосида маҳаллий ва марказий музейлар кўргазмаларини тўлдириш ҳамда гид етакчилари учун қўлланмалар, оммабоп рисолалар яратиш мумкин;



- ретроспектив ва жорий этнологик ҳамда социоантропологик жараёнларда трансформацион жараёнларнинг назарий муаммоларини ҳал қилишда ушбу тадқиқот натижалари муайян аҳамият касб этади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда замонавий этнология фанида тан олинган ёндашув ва усуллар асосида, кўп турдаги тарихий-этнографик адабиётлардан танқидий фойдаланилгани, оғзаки тарих методлари қўлланилганлиги, ахборотчилардан олинган аудио материаллар жалб этилгани, дала материаллари, танланган объектларнинг тадқиқот предмети ва мақсадига мувофиқлиги, бирламчи этнографик манбаларга асосланилгани, холислик тамойилларгатаянилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, Хоразм минтақасида уй-жой қурилиши тарихининг этнологик ва социал антропологик асослари бўйича локал қонуниятлар табиий кескин континентал иқлим шароитлари, заминининг қумдорлик хусусияти, сизот сувларининг яқинлиги, қурилиш материалларига бўлган хос талаблардан келиб чиқувчи анъанавийлик каби масалалар воҳада қурилиш технологиясининг махсус назарий асосларини чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, улар орқали воҳа аҳолиси уй-жой қурилиши билан боғлиқ оқилона ва тарихий асосланган урф-одатлар бугун ҳам тарихий-маданий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш йўлида, ҳозирги глобаллашув ва оммавий маданиятнинг салбий таъсирларига қарши курашда самарали янги куч бағишловчи ижтимоий бирлаштирувчи, маҳаллий маданий-тарихий қадриятларни сақловчи ва бойитувчи муҳим омил экани исботланди. Ушбу натижалар Янги Ўзбекистон пойдеворини яратиш жараёнида воҳа аҳолисининг кундалик ҳаёти ҳақидаги билимларнинг кенгайиши ва чуқурлашувига, омманинг тарихий тафаккури ривожига, миллий қадриятларга ҳурмат руҳини тарбиялашга хизмат қилиш билан баробар, халқнинг турмуш тарзида кечаётган интенсив ва экстенсив таъсирлар остида ўзгариб бораётган этномаданий жараёнлар этнология ва социал антропология соҳаларида кенг ва хилма-хил назарий ва амалий илмий муаммоларни кечиктирмай ҳал қилиш лозимлигини кўрсатмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мавзуга доир олиб борилган тадқиқотлар юзасидан ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Хоразм воҳаси аҳолиси уй-жой қурилиши генезисидан бошлаб, барча босқичлар тарихшунослиги танқидий таҳлил этилиб, диссертация хронологик чегаралари доирасида соҳада кечган жадал трансформацион жараёнларнинг асосий тенденциялари ва йўналишлари кўрсатиб берилган илмий хулоса, амалий таклиф ва тавсиялардан воҳада уй-жой қурилиши билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар шунингдек, турар жой иншоотларининг таркибини функционал ўрганиш асосида қатор янги маълумотларни олиш ва умумлаштириш ишларида кенг фойдаланилмоқда. (Халқаро “Олтин мерос”

хайрия жамоат фондининг 2021 йил 9 сентябрдаги 01-23-16 сон маълумотномаси). Бу натижалар маданий меросни сақлаш, аҳоли ўртасида номоддий ва моддий маданиятга бўлган муносабатни янада юксалтириш, уларни келажак авлодга етказиш ва миллий меросни кенг миқёсда тарғиб қилишда муҳим манбавий асос бўлиб хизмат қилган;

XIX-XX асрлардаги Хоразм воҳаси уй-жой қурилиши билан боғлиқ жараёнлардаги анъанавийлик ва модерн аломатлари, трансформациялашув ҳолатлари, мустамлака даври қурилиш ишларида кузатилган европача ва маҳаллий технологиялар аралашуви, совет даври қурилиш стандартларида миллий анъаналарнинг йўққа чиқиши, миллий-маданий ўзига хос, ўхшаш ва фарқли томонларни очиқ берувчи маълумотлардан “Ўзбекистон тарихи” телеканали “Ибтидо” номли кўрсатувининг “Меъморчиликнинг шаклланиш тарихидан” мавзусидаги махсус сони учун сценарий тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 2 ноябрдаги 01-10-1706-сон маълумотномаси). Натижада фактологик маълумотларга бой, илмий-назарий асосланган ва илмий-маърифий савияси юқори телекўрсатув ташкил этилган.

уй-жой қурилиш жараёни ва янги хонадонга кўчиб кириш билан боғлиқ унитила бошлаган ирим-сирим, урф-одат ва маросимларнинг тарихий ментал асослари, мазмун-моҳияти, бошқа ҳудудлардаги ҳолатлар билан ўхшаш ва фарқли хусусиятлари ҳамда муштарак жиҳатлари тўғрисидаги илмий маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги турли маданий-маърифий тадбирлар ва семинарлар ташкил этишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2021 йил 27 декабрдаги 14-07-2371-сон маълумотномаси). Мазкур маълумотлар Ўзбекистонда турли миллат ва элатлар миллий маданияти, анъана ва маросимларни кенг тарғиб этишга асос бўлган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 8 та (6 та республика, 2та хорижий) мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Иш кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, усуллари тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, иш ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг дастлабки боби **“Хоразм воҳаси уй-жой қурилиши анъаналарининг ўрганилиши”** деб номланиб, биринчи параграфда **мавзунинг манбашунослиги ёритилган**. Ушбу параграфда Хоразм воҳасида уй-жой қурилиши билан боғлиқ масалаларнинг ўрганилиш даражаси, манбалар ва илмий адабиётларда ёритилиши, бу борадаги ўзига хос ёндашувлар ёритилади. Тадқиқот мавзуси доирасидаги ёзма манбалар даврларига қараб уч гуруҳга ажратилди:

1. Мўғуллар истилосигача бўлган ёзма манба ва тарихий-этнографик адабиётлар;

2. XIII-XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган араб-форс ва Европа тилларидаги манбалар;

3. Подшо Россияси мустамлакачилиги даври ёзма манбалари.

Хоразм минтақасини ўрганишга бўлган қизиқиш қадимдан тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб, уларнинг меросида воҳанинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир бир қатор қимматли маълумотлар ўрин эгаллаган. Шундан келиб чиққан ҳолда юқоридаги ёзма манбаларда ҳам муаллифларнинг яшаган ва ижод қилган замонларига қараб даврларга ажратиш тартибига амал қилинди.

Мўғуллар истилосигача бўлган ёзма манба ва тарихий-этнографик адабиётларда Хоразм воҳасида уй жой қурилиш тарихи, у билан боғлиқ жараёнлар, анъана ва маросимлар археологик ва этнографик нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган<sup>1</sup>. Ушбу илмий адабиётлар, тарихий асарлар ва манбалар уй-жой қурилиши тарихини ўрганиш ва тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга. Хоразмнинг Россия империяси истилоси (XVIII аср)гача бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ёритишда араб-форс муаллифларининг асарлари ва Европа манбалари муҳим ҳисобланиб, улар асосан кўрсатилган даврда Хоразмга

---

<sup>1</sup> А.Маҳкам. Авесто. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 107-112; Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 2011. – Б. 37-38; Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Халқ мероси, 1993. – Б. 37-38; Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар I, – Тошкент: Фан, 1968. – Б.42; Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд. – Тошкент: Халқ мероси, 1993. – Б. 47; Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. (Туркий сўзлар девони) – Тошкент: Ғ.Ғулом, 2017. – Б. 33; Кайковус. Қобуснома. 4-нашр – Тошкент: Ўқитувчи, 2015. – Б. 97-99; Ибн Ҳавқал. Китоб сураат ал-ард. (Ернинг сураати китоби). – Тошкент, 2011. – Б.33; Муҳаммад Алихон Ғофур. Хоразм сафари кундалиги (Эрон элчисининг хотиралари. XIX аср). – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 20; Военные действия на Оксусе и падение Хивы. Соч. Мак-Гахана. – М: В.Университетской типографии (Катков и К), 1875. – С. 215.; Вамбери А. Очерки Средней Азии. –М. Типография А.И.Мамонтова и К, Большая Дмитровка, д. № 7. 1868. – С.106-118; Шу муаллиф. Путешествие по Средней Азии. –М; Восточная литература. 2003; Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 2002. – Б.165.

келган сайёҳлар, элчилар, географ ва тарихчи олимларнинг кундалик ва эсдаликларидир. Ушбу муаллифларнинг асарларида кўпроқ географик маълумотлар асосий ўрин эгаллаган бўлиб бўлиб, аҳоли турар жойларига оид маълумотлар кам ёритилган.

XVIII аср охири XIX асрдан бошлаб Хива хонлигини ўрганиш мақсадида ўлкага юборилган географ, ўлкашунос, этнограф, тарихчи, топограф ва ҳарбийларнинг асарларида Хоразм аҳолисининг турар жойлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу муаллифларнинг асарларида воҳада бир неча юз йилликлар давомида такомиллашиб, ўзининг ҳар томонлама устунлигини кўрсатган миллий қурилиш услубларига нисбатан (махаллий маданиятнинг ночор аҳволига нисбатан) беписандлик билан қараш муносабати яққол сезилиб туради. Шунингдек, воҳанинг маҳаллий шарт-шароити ва миллий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда қурилган уй-жойларнинг афзал жиҳатлари Л.Костенко, А.Калмиков, Г.И.Данилевский, Г.Гелмерсен, Мак-Гахан каби муаллифлар томонидан эътироф этилган.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразм воҳаси анъанавий уй-жойлари бўйича юқорида келтирилган манбалардаги маълумотлар тавсифий характерга эга.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи **мавзунинг тарихшунослигига** бағишланган бўлиб, унда асосан XIX-XX асрлардаги тадқиқотлар ва илмий асарлар таҳлил қилинган. Айниқса, Хоразм минтақасида деярли ярим аср мобайнида фаолият олиб борган Хоразм археология-этнография экспедицияси аъзоларининг комплекс тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлди<sup>2</sup>. Бу даврда воҳа аҳолиси турмуш тарзида, уларнинг моддий ва маънавий маданиятида чуқур ўзгаришлар рўй бериши натижасида, уй-жой қурилишида туб ўзгаришлар кузатилди. Қурилиш жараёнларида янги услубларга ўтиш муносабати билан анъанавий уй-жойларни қуриш билан боғлиқ қарашлар унитила бошлаган. Шу билан бирга ишлаб чиқаришда техника кучларидан тобора кўпроқ фойдаланиш ҳам бир қатор қурилиш услубларининг заифлашувига сабаб бўлди. Экспедиция аъзолари томонидан тадқиқотлар

---

<sup>2</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. –М.: МГУ, 1948. – С.351; Толстов С. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 188.; Итина М.А. Хорезмийская экспедиция – основные итоги и перспективы исследований // Культура и искусство древнего Хорезма. – М.: Наука, 1981. – С. 4–21; Жданко Т.А. Этнографические исследования Хорезмской экспедиции (народы, проблемы, труды) // Культура и искусство древнего Хорезма. – М.: Наука, 1981. – С. 21–41; Созонова М.В. К этнографии узбеков Южного Хорезма. (полевые исследования Южноузбекского этнографического отряда Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1946-1948 гг.) М, Изд. АН СССР, 1952, Т. 1,– С. 238-287; Задыкина К.Л. Узбеки дельты Аму-Дарьи. Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции 1945–1948 гг. Т. 1. –С. 319-426; Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М., 1969; Снесарев Г.П. Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одаглари. – Урганч: Қувончбек-Машхура, 2018. – Б. 70.; Есбергенов Х.Е. Об изучении религиозных верований каракалпаков // Конкретные исследования современных религиозных верований. – М.: Наука, 1967. – С. 202–208; Сухарева О.А. О культе мусульманских святых в Средней Азии // Труды Ин-та истории и археологии АН УзССР.– Ташкент, 1951. Т.2. – С. 159-178; Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.): Из истории жилища и семьи. Археолого-этнографические очерки. – М:Наука, 1976; Воронина В.Л. Узбекское народное жилище.// СЭ. 1949, № 2; Шу муаллиф. Жилище народов Средней Азии и климат. Жилище народов Средней Азии и Казахстана. (Сборник) М, Наука, 1982. – С. 48-69; Писарчик А.К. Жилой городской дом Бухары и Хивы.— «Архитектура СССР», 1937, № 1. – С. 40-47; Жилина А.Н. Традиционные черты в современном жилище Хорезма. СЭ. М, Наука, 1969. № 3. – С. 42; Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг сугурилиши тарихи. (қадимги замонлардан то ҳозиргача) – Тошкент: Фан, 1959. – Б.324.

кенгроқ тарихий йўналишда олиб борилганлиги ва қиёсий этнографик маълумотлардан фойдаланилганлиги, экспедиция тадқиқотларининг қийматини оширишга хизмат қилган. Лекин, ушбу тадқиқотларда анъанавий турар жойлар қурилишидаги этник ва локал хусусиятларга жуда кам эътибор қаратилган. Айнан шу боис ишимизда Хоразм воҳаси анъанавий турар жойларининг этнохудудий хусусиятлари ҳамда уларнинг трансформациясига асосий эътибор қаратилди.

Мустақиллик шарофати билан қайта тикланган миллий кадрларнинг муҳим бир йўналиши ҳисобланган урф-одат, анъана ва маросимлар тарихини ўрганиш Хоразмда ўзига хос янги босқичга кўтарилди<sup>3</sup>. Натижада бир қатор диссертациялар ёқланди, монография ва мақолалар чоп этилди. Улардаги мавжуд маълумотлар қаторида мавзуга оид йўлақай айтилган фикрлар эътиборга олинди ва танқидий таҳлил қилинди<sup>4</sup>.

Ушбу параграфда келтирилган манбалардаги маълумотларни таҳлил қилиш, мавзунини янада кенгроқ ва батафсил ўрганиш имконини беради.

Диссертациянинг **“Хоразм воҳаси уй-жойларининг тузилишидаги анъанавийлик ва трансформацион жараёнлар”** деб номланувчи иккинчи боби ҳам икки параграфдан иборат. Дастлабки параграф **“Воҳа уй-жойларининг тузилиши, услуби, безакларидаги анъанавийлик ва унинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланиб, унда воҳа уй-жойларининг қурилиш лойиҳаси, услуби, безакларидаги анъанавийлик ва ўзига хос хусусиятлар ва уларга трансформацион жараёнларнинг таъсири таҳлил этилган.

Турар жойлар мураккаб маданий-маиший мажмуа ҳисобланиб, ҳар бир халқ ҳаётининг хилма-хил томонлари билан боғлиқ. Табиий шароитлар, устувор касблар ва иқтисодийнинг йўналиши, техниканинг ривожланиш даражаси, мулкӣ ва синфий муносабатлар, оилавий ҳаёт шакллари, ижтимоий урф-одатлар ва анъаналар, эстетик ғоялар, диний эътиқодларнинг барчаси у ёки бу даражада уйнинг турига, ўлчамига, ташқи кўринишига, ички ва ташқи безакларига таъсир қилади.

Хоразм воҳаси аҳолиси қадимдан турар жойлар қурилишига, иморатларнинг таркибий қисмларига муайян мақсад ва мазмун юклаб келган. Уй-жойларни қуриш жараёнида энг аввал иншоот учун танланган майдоннинг, унинг атрофидаги шарт-шароит, ҳамда минтақанинг умумий табиий иқлим

---

<sup>3</sup> Брегель Ю.Э. Хорезмские туркмены в XIX веке. – Москва: Наука, 1963.; Документы архива Хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков. Подбор документов, введение, перевод, примечания и указатели Ю.Брегеля. – Москва: Наука, 1967.; Bregel Y. CentralAsia. Inthe 12-13/19-18 thcenturies / Encyclopedia kanica. Vol. V. – P. 193-205.; М.Бойс. Зароастрийцы: верования и обычаи. – Санкт-Петербург. Петербургское востоковедение, 1994.; Арнольд ван Геннеп. Обряды перехода. Систематическое изучение обрядов. – Москва. Восточнаялитература РАН, 1999.; Leonid Povlovič Potapov's. Materialien zur Kulturgeschichte der Usbeken aus den Jahren 1928 – 1930 // Turcologica. Herausgegeben von Lars Johanson Band 25. Harrassowitz Verlag. – Wiesbaden. 1995.; Housing in Central Asia: Demography, ownership, tradition. The Uzbek example / Conference journal by Rywkin M. – Washington. D.C. December 19, 1979. – P. 14.

<sup>4</sup> Жабборов И.М. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти (этнографик лавҳалар). – Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – Б. 208.; Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Тошкент: Чўлпон, 2007. – Б. 192.; Аширова А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент, 2007. – Б. 275.; Аширов А. Ўзбек маданиятида сув. – Тошкент. Академнашр. – Б. 151; Қурбонова Д.Ш. Хоразм воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданияти (археологик, ёзма ва этнографик манбалар асосида). – Тошкент, 2015. – Б. 212.; Тлеубергенова Н.А. Традиционное жилище каракалпаков XIX – начало XX вв.: Дисс... канд.ист.наук. – Нукус, 1996. – С. 168.

шароитлари ҳисобга олинган. Бу борада асрлар оша шаклланиб келган урф-одат ва анъаналар барқарор таъсир омили ҳисобланади. Ушбу омилларнинг инобатга олиниши натижасида хонадонларда ўзига хос қулай шарт-шароит, микроиклим, энг муҳими оила аъзоларининг муносабатлари миллий одоб меъёрлари доирасида иерархиялашуви таъминланган. XIX-XX асрлардаги уй-жойлари аҳолининг ижтимоий-иқтисодий имкониятлари ва оиланинг фаровонлигига қараб қуйидагича уч турга бўлинган:

1. Иқтисодий имкони чекланган ёки кичик оилаларнинг ихчам ўлчамдаги уй-жойлар;

2. Барча хоналари бир том остида бирлаштирилган мустақкам кўрғон ҳовлилар;

3. Мураккаб ички таркибга эга бўлган бой хонадонларнинг уй-жойлари<sup>5</sup>.

Биринчи турга мансуб бўлган кичик уйлар тадқиқотчилар томонидан нисбатан камроқ ўрганилган. Иқтисодий аҳволи ва молиявий имкониятлари яхши бўлмаган аҳолининг бундай уйлари кичкина ва соддароқ тарзда қурилган бўлиб, хоналари сони ҳам чекланган. Тузилишига кўра, бундай уйлар долон, икки (эр-хотин ва болалар учун биттадан) хона ва ошхонадан иборат бўлган. Бундай ҳолатда хоналар бир вақтнинг ўзида ҳам ётоқхона ҳам мехмонхона вазифасини бажарган. Бундай уйларни икки қисмга ажратишга имконият ҳам зарурат ҳам бўлмаган.

Хоразм қишлоқ меъморчилигида уй-жойнинг энг кенг тарқалган ва тадқиқотчилар томонидан кўп ўрганилган тури иккинчи гуруҳга мансуб кўрғон тузилишида қурилган ҳовлилар ҳисобланади. XIX аср охири – XX аср бошларида Хоразмда қадимги патриархал оилавий жамоа тартиби сақланиб қолган бўлиб, бу жиҳат халқ уйларида ўз аксини топган. Бундай ҳовлиларда камида уч авлодни бирлаштирган, бўлинмаган, катта ва мураккаб оилалар истиқомат қилган<sup>6</sup>.

Турар жой ва коммунал хизматлар учун ажратилган хоналар битта умумий том остида бирлаштирилганлиги бу турдаги уйларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Уйнинг ички тартиби ва хоналар қуйидаги икки тамойилга асосан белгиланган: хўжалик-функционал ва ижтимоий-маиший. Биринчиси, чорва моллари, отлар, ем-хашак, уй-рўзғор буюмлари, ошхона ва бошқалар учун биноларнинг жойлашишини ўз ичига олса, ота-оналар ва болалар учун хона ажратиш, уйнинг икки қисм (эркак ва аёл)га бўлиниши, кичик оилалар учун алоҳида уйлар ажратилиши иккинчи тамойилни тавсифлайди<sup>7</sup>.

Ушбу жиҳатлар кўпгина халқларда бўлганидек, Хоразм турар жойлари ҳам анъанавий равишда икки қисмга: эркаклар қисми (ташқи) *дешон-ҳовли*, аёллар қисми (ичкари) *ичан-ҳовлига* ажратилишига сабаб бўлган. Бошқа минтақаларда ҳам турар жойларни катъий равишда аёллар ва эркаклар

<sup>5</sup> Жилина А.Н. Жилище и семья у узбеков (на материалах Ташкентской и Хорезмской областей). // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. – М, Наука, 1978. – С. 61.

<sup>6</sup> Шу асар. – С. 56.

<sup>7</sup> Жилина А.Н. Типы традиционного жилища сельского оседлого земледельческого населения Средней Азии (XIX – начало XX в.). // СЭ. 1997. № 2. – С. 53.

кисмига ажратиш кузатилган бўлиб, Тошкентда *ташқари* ва *ичқари*, Самарқанд ва Бухорода *берун* (ташқари) ва *дарун* (ичқари) деб юритилган<sup>8</sup>.

Учинчи гуруҳга кирувчи ўзига тўқ (маълум бир ижтимоий гуруҳга мансуб) ва ер майдони катта бўлган хонадонларда ҳам қатъий равишда икки қисмга ажратиш одати кузатилади. Уй эгасининг бойлиги қанчалик катта бўлса, бу тартиб шунчалик кескин намоён бўлган. Бой хонадонларда меҳмонхоналар бир нечтани ташкил этган. Яъни катта ёшдаги эркаклар учун (уйга киришда долоннинг чап тарафида) алоҳида, ёш йигитлар учун (долоннинг ўнг тарафида) алоҳида меҳмонхоналар ажратилган<sup>9</sup>.

Ушбу параграф материалларининг фактик таҳлили шуни кўрсатадики, Хоразм аҳолисининг анъанавий турар жойлари, уларнинг турлари, тузилиши, ички ва ташқи безакларидаги ўзига хос хусусиятлар ҳозирги кунда ҳам қисман сақланиб қолган.

**“Уй-жойларнинг қурилишидаги хом-ашёларнинг таснифи ва трансформацияси”** деб номланувчи иккинчи параграфда уй-жойларнинг қурилишида ишлатиладиган асосий хом ашёлар таснифланган ва таҳлил қилинган. Хоразм турар жой меъморчилигида маҳаллий хом ашёдан фойдаланишга катта эътибор қаратилган. Ўзининг мустақамлиги, иқтисодий арзонлиги, экологик тозаллиги сабабли, XX аср охирига қадар уй-жойлар қурилишида маҳаллий тупроқдан тайёрланган лой асосий қурилиш хомашёси сифатидаги аҳамиятини йўқотмаган. Қурилишда лойдан пахса, хом ғишт, сувоқ ва боғловчи материал сифатида фойдаланиб келинган<sup>10</sup>. Иморатни лой (пахса)дан қуриш аҳоли учун арзон ва қулай ҳисобланган.

Шаҳарларда ер майдонининг танқислиги ва теварак атрофдан тупроқ ташиб келиш қийин бўлганлиги сабабли синчли (нигирик) ва қўш синчли иморатлар қуриш урфга айланган. Турар жойларнинг ҳовли йўсинида тикланиши қишлоқ ва шаҳарларда бир хилда бўлган<sup>11</sup>. Уй-жойларнинг қурилиш конструкцияларида худуднинг ўзига хос иқлим шароитлари ҳам инобатга олинган. Хоналарнинг ёзнинг жазирама кунларида салқин, қишда эса иссиқ сақланиши лойдан қурилган пахса уйларнинг асосий хусусиятларидан бири бўлган<sup>12</sup>.

XIX асрнинг 60 йиллари бошларида Ўрта Осиёга саёҳат қилган венгер сайёҳи А.Вамбери воҳада уй-жой қурилиши тўғрисида қуйидагича ёзган эди: “Уй қураётганда биринчи навбатда, унинг ўрни текисланади. Фақат катта биноларни қуриш учун пойдевор қўйилади. Бошқа ҳолларда лойдан кенглиги 2 фут\*баландликдаги пойдевор тайёрланади. У қуриб, қотгандан кейин устига намликдан ҳимоя қилиш учун ёғоч ёки қамиш қўйилиб, девор ўрнатилади.

<sup>8</sup> Писарчик А.К. Народная архитектура Самарқанда. – Душанбе: Дониш, 1974. – С. 26.

<sup>9</sup> Жилина А.Н. Традиционные черты в современном жилище Хорезма. // СЭ. 1969, № 3 – С. 35.

<sup>10</sup> Мадаминов М. Хоразмнинг қадимий ва ўрта аср шаҳарсозлиги тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 2009. – Б.81.

<sup>11</sup> Маньковская Л. Хива. – Тошкент, 1982, – Б.19.

<sup>12</sup> Ўролов А., Нозилов Д., Фармонов А., Матъязов С. Қишлоқ уйларини режалаштириш ва қуриш асослари. Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б.133.

\*Фут – (инглизча foot – оёқ) инглизча ўлчовлар тизимидаги узунлик ўлчов бирлиги. 0,3048 м. (30,48).

Деворлар икки хил: лойдан ёки тошдан. Деворлар оралиғига хом ғишт ва лой ётқизилган”<sup>13</sup>.

Хоразм усталари *энг моҳир пахса қуриувчи усталар* сифатида машхур бўлганлар. Уй қурилишида ишлатиладиган тупроқ қурилаётган уйдан 1-2 км узоқ масофадан олинади. Тупроқ атрофи чегараланиб, 5-6 марта яхшилаб кондириб суғорилади. Тупроқнинг яхши суғорилгани уйни қурилишига масъул этиб белгиланган уста томонидан аниқланган. Агар лой ичидан сув ўтлари ўсиб чиққан бўлса, бу лой яхши пишитилган ва қурилиш учун тайёр деб ҳисобланган. Тайёр бўлган тупроқ от арава (ҳозир трактор)га ортилган, уйга келтирилиб тўкилган ва ёйиб пиширилган. Шундан кейин ҳам яна бир марта суғорилган. Тепиб пишитилган лой узатувчи – *отармон* томонидан махсус белкурак – *капча* ёрдамида юқорига девор қурувчи уста *пешмонга* ирғитиб отилган. Шу жараёнларнинг ҳар бирида лой ишлов олиб, пишиб мустаҳкам бўлиб боради. Шунинг учун ҳам 5-6 ишловдан ўтган лой узилиб кетмаган ва яхши ёпишган.

Девор лойи қотгач, тарошловчи уста *тарашимон* ёки *йўнтарош тарошқапча* билан лой кам қолган жойларини тўлдириб тўғирлайди. *Йўнтарош* ва *тарошқапча* – лой девор қуримасдан олдин ишлатилган. Лой девор қотганидан уч-тўрт кун ўтганидан кейин, текис ва тўғри қилиб пардоз берилган ва силлиқланган. Пахса деворга сув сепиб юмшатиш ва *қаттиққарар қапча* билан девор қириб текисланган ва *гултарош* қилинган. Пахса деворларга безак берувчи ушбу иш қуроллари милоддан аввалги IV-VI асрларда ҳам қурилиш ишларида ишлатилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд<sup>14</sup>. Қурилишнинг ушбу босқичида усталардан шошмаслик талаб қилинган. Шошиб ишланадиган бўлса, пахса тўлқин-тўлқин из қолдириб, пахса девор текис чиқмаган<sup>15</sup>.

Шунингдек, пахса деворларнинг мустаҳкам бўлишини таъминлаш мақсадида лой қоришмаларини табиий ва сунъий, кимёвий моддалар қўшилган ҳолда, яъни сут зардоби, ўсимликлар қайнатмаси, сомон, ҳайвонлар жуни, қамиш майдаси ва ҳаказолар қўшиб тайёрлаган. Бунда лойнинг гидрофоблик хусусияти, яъни сув ўтказувчанлиги камайиши қурувчи усталарга маълум бўлган<sup>16</sup>. Пахса уйлар пойдевор (*диннақ*), тўрт қатор пахса ва *пардеволдан\** иборат бўлади. XX аср бошларигача уй-жойлар пойдеворсиз оддий текисланган ерга қурилган, баъзан тош ёки бир-икки қатор пишган ғишт тўшалган, ер ости сувлари яқин ва шўрхок ерларда пахса пойдеворида қамиш ёки чипта тўшаб девор кўтарилган<sup>17</sup>.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шаҳар манзилгоҳларининг кифоаси ўзгариб, Европа типигаги кўп қаватли уйлар вужудга келган ва пахса

<sup>13</sup> Вамбери А. Очерки Средней Азии. – Москва, Типография А.И.Мамонтова – С.107.

<sup>14</sup> Неразик Е.Е. Хорезме в IV-VIII вв. Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. // Средняя Азия в раннем средневековье. – Москва: Наука, 1999. – С. 33.

<sup>15</sup> Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани, Обод кишлоғи, Хосиён маҳалласи. 2020.

<sup>16</sup> Дурдиева Г. Қадимий Хоразм пахса девор меъморий ёдгорликлари. Хива, Urganch Master Servis, 2017. – Б. 24.

\* *Пардевол* - деворга қўйилган ёғочларни мустаҳкамлаш учун уларнинг устидан қўйиладиган ярим пахса.

<sup>17</sup> Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент; Ўқитувчи, 1994. – Б. 144.



девордан уй қуриш ўз аҳамиятини йўқота бошлаган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда, воҳада юқори талаблар асосида замонавий турар жойлар қурила бошланган. Бу эса қурилиш ишларида янги қурилиш материаллари, пишиқ ғишт, бетон, шиша, фанер ва бошқалардан фойдаланишга ва кенг тарқалишига олиб келди. 1969-1970 йилларда Хивада пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган олгита завод фаолият кўрсатиб, ушбу ғиштлар шаҳар ва қишлоқларда турар жойлар қурилишида ишлатилган<sup>18</sup>. Турар жой қурилишининг анъанавий усули сифатида минг йиллар давомида қўлланиб келинган “пахса меъморчилиги”, бугунги кунда уй-жой бинокорлигида пайдо бўлган янги анъаналар сабабли трансформацияга учраб, ўз аҳамиятини йўқотиб бормокда.

Хулоса қилиб айтганда, воҳа иморатсозлигида муҳим аҳамиятга эга бўлган анъанавий хомашёлар ўз ўрнини тобора замонавий қурилиш материалларига бўшатиб бериши натижасида турар жойлар аввалги табиий иқлимбоплик хусусиятини аста-секин йўқота бошламоқда.

Диссертациянинг учинчи боби “**Хоразм воҳаси уй-жой қурилишидаги анъаналар, урф-одатлар ва маросимлар**” деб номланиб, учта параграфдан иборат. Биринчи параграфда “**Уста-шогирд**” анъанаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланиб, унда Хоразм хунармандчилиги ва у билан боғлиқ жараёнларни тарихий ва этнографик маълумотларга таянган ҳолда таҳлил қилинган.

Қадимдан ҳар қандай хунармандчилик тури, ўргатиш ва ўрганиш яъни “устоз-шогирд” тамойилларига асосланган ҳолда олиб борилган. Махсус мактаблар бўлмаган бу даврда касбининг моҳир усталари ўз хунарларини ажоддан-авлодга “ўргатиш усули” орқали ўтказиб келишган. Бу борада Хива хонлигидаги йирик ҳашаматли бинолар қурилишида ва уларни безашда иштирок этган Хоразм наққошлик мактабининг йирик вакилларида бири Абдулла Болтаев ўз кундаликларида уста хунармандлар ва уларнинг фаолияти ҳақида ёзиб қолдирган<sup>19</sup>.

Дастлабки даврларда “устоз-шогирд” анъаналари тор доирада, яъни оилада ота томонидан фарзандга мерос қилиб ўргатиш орқали йўлга қўйилган. Воҳа усталари ҳам шогирдларни имкон қадар ўзларининг авлодлари (ўғил фарзандлари, агар ўғил фарзанд бўлмаса, қизининг фарзандлари)дан тайёрлашга эътибор қаратганлар. Бунинг асосий сабаби, касбга мойиллик конида бор деб қаралган бўлса, иккинчидан, хунар отадан болага мерос қолдирилган ва уни давом эттирмаслик ножоиз ҳисобланган. “*Ота касби - олтин касб*”; “*Ота касби ўғилга ҳалол*”, “*Ота касби қорин тўйгазар*”; “*Ота хунари болага – мерос*”, “*Ота касбин эгаллаган - хор бўлмас*”; “*Ота касбин ташлаган – ўнгалмас*”<sup>20</sup> каби нақллар ҳам бежиз айтилмаган.

Халқона қарашларга кўра, ота хунари давом эттирилмаган уйда “пирлар чироксиз қолган”. Устанинг ўғил фарзандлари йўқлиги ёки фарзанднинг ота

<sup>18</sup> Жилина А.Н. Традиционные черты в современном жилище Хорезма... – С. 33;

<sup>19</sup> Болтаев А. Хива архитектура қоидалари. – Тошкент: Хоразм, 2013, – Б. 5.

<sup>20</sup> Шомаксудов Ш, Шораҳмедов Ш. / Маънолар маҳзани. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018. – Б. 471.

хунарига қизиқмаслиги каби сабаблар туфайли, кейинчалик усталар ташқаридан шогирдлар қабул қила бошлаган. Шогирд ҳунар сирларини мукамал ўрганиб, ўзи мустақил равишда ишлай оладиган даражага етганида, устоз томонидан шогирдга фотиҳа берилган. Маълум бир касб-ҳунар тармоғига, янги (аъзо) шогирднинг кириши билан боғлиқ бўлган ушбу маросим Хоразмда “Уста потия”, “Уста рози”, “Етти пир” каби номлар билан юритилган бўлса, Қашқадарё воҳасида “Камарбандон”, Бухорода “Миёнбанди” ёки “камарбанди (бел боғлаш)”, Самарқандда “Қўлберши” ёки “қўл олиш” деб номланган. Маросимда қатнашадиган усталарнинг ўзи ҳам албатта устозидан фотиҳа олган бўлиши шарт бўлган. Устоз фотиҳасини олмаган усталар қатнашмаган. Ҳунар пирларидан фотиҳа олмаган бундай усталар “*пири шайтон*” деб аталган<sup>21</sup>.

Маросим сўнггида қурувчи усталар шогирдига йўнилган кичкина *ёғоч* (*чўп*) беришган. *Уста чўпи* деб номланган бу махсус ёғочни шогирд дастлабки қурган уйининг бурчакларини кўтариш жараёнида (ғиштларни орасига қўйиб) ишлатган. Дурадгор моҳир бўлса, биринчи мустақил ясаган эшик ёки дарвозасида *мих чўп* сифатида фойдаланган. Шу ирим туфайли аҳоли орасида уй қурадиган усталарга нисбатан “*Уста чўпи олганмисан?*” деб сўраш одати ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган. Маросим якунида шогирд усталикка муносиб деб топилса, калонтар ва асосий (ҳунар ўргатган) уста томонидан фотиҳа берилган. Сўнгги фотиҳадан кейин шогирд сарпо сифатида ўз устасига чопон, калонтарга кўйлак беради. Агар шогирд ўзига тўқ бадавлат оиладан бўлган бўлса, у бошқа усталарга ҳам сарпо ва совға-саломлар қилган. Шундан кейин шогирднинг отаси дуо фотиҳа қилиб, барча усталарга миннатдорчилик билдирган.

Ўрганилаётган даврда Хоразмда уй-жой қурилиш ишларини назорат қиладиган бош усталарни тайинлашда “уста фотиҳа” олганлигига алоҳида эътибор қаратилган. Яъни тайинланадиган бош уста албатта ҳунар ўргатган устидан фотиҳа олган ва устаси томонидан бирор бир иш қуроли (*тарошқачча*) билан тақдирланган бўлиши лозим. Акс ҳолда бу уста қурган уйнинг девори *эгри* (*қийшиқ*) чиқади деб “ирим қилишган”.

Азалдан маданий ва маънавий мерос сифатида ажоддан авлодга ўтиб улуғланиб келган “Уста фотиҳа” маросими бугунги шароитда аста унутилиб бормоқда. Тарихий қадрият даражасига кўтарилган ушбу маросимни янги авлод қурувчи усталарини тарбиялашнинг муҳим йўли сифатида бугунги кунда янада чуқур ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда.

Иккинчи параграфда **“Воҳа аҳолисининг уй-жой қурилиши билан боғлиқ маросимлар”**га эътибор қаратилиб, унда “Қозик қокди”, “Чархавик”, “Жой тўйи” ва “Уста потя” каби маросимлар, ва улардаги ўзгаришлар шунингдек, уй-жой билан боғлиқ бир қатор иримлар ва уларни ўрганишнинг аҳамияти каби масалалар таҳлил этилган.

Турар жойлар билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатлар шу қадар турли туманки, унинг илдизлари баъзан аҳолининг этник таркиби, иқтисодий

<sup>21</sup> Булатов С. Устоз-шогирд педагогикаси. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2020. – Б. 50.

ахволи, хўжалик фаолияти, диний тушунчаси ва дунёқарашига бориб такалади. Бундай маросимлар иншоотга пойдевор қўйишдан бошлаб, то нураб бузилгунга қадар ўтказиб борилган. Воҳа ўзбекларида янги уйнинг жойлашиш ўрнига алоҳида эътибор берилган ва турар жойларни қабристон, зиёратгоҳ ва азиз авлиёлар қабрларидан узоқроқда қуришга ҳаракат қилганлар<sup>22</sup>.

Воҳа аҳолиси турар жойда қулай ва шинам микроклимни таъминлаш мақсадида уй қуриладиган жой об-ҳавосини мукамал ўрганилган. Уй атрофининг очиклиги, шамол йўналиши, уйга ёруғлик тушиши каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу омиллар, инсон саломатлиги учун муҳим жиҳатлар эканлиги инобатга олинган. Бунинг учун улар асрлар давомида тажрибадан ўтган ажойиб усул танланган. Уй қуриладиган майдоннинг бир қанча жойларига янги сўйилган гўшт илиниб, устидан дока ташлаб қўйилган. Икки-уч кун ўтганидан кейин, гўшт текшириб кўрилган. Қайси жойдаги гўшт парчаси бузилмасдан турган бўлса, ўша жойга турар-жой қурилган. Уй-жой қуриш бошланганда биринчи уйнинг тархи чизилиб, ўрни белгиланади.

Шу жараёнда дастлабки анъанавий маросимлардан бири, биринчи муҳим тўй – *жой бичар* ёки *жой бичиши тўйи* ўтказилади. Одатда унда фақат энг яқин қариндошлар ва қўшнилар катнашади. Шу билан бирга ушбу маросимда кексалар расмий равишда янги уй қуриш учун оқ фотиҳа беришади<sup>23</sup>. Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида ушбу маросим *уй бичар* деб номланади. Ушбу маросим ўтказилгандан сўнг уй қурилиши учун белгиланган майдон даҳлсиз ҳисобланган. Уйнинг пойдевори қурила бошланганида, “Бошланган қурилиш ишларимиз ҳайрли бўлсин! Усталар соғомон тугатиб олишсин! Бошқа қон чиқмасин!” деб ният қилиб, албатта жонлик (қўй ёки қўчқор) сўйилган. Шунингдек, *ис чиқариши маросими* ҳам ўтказилиб, шу ердан яшаб ўтганларнинг руҳларини шод қилиш ва розилигини олиш мақсадида, уларнинг ҳақиқа Қуръон тиловатлар қилиниб, фотиҳа ўқилган. Хонқа туманида бу маросим *диннақ тўйи* деб аталган<sup>24</sup>. Қорақалпоғистон Республикасининг айрим ҳудудларида пойдевор ўрнатиш маросими *тирнағ салар*, бўғирсоқ пишириш *ийс шизару*, жонлик сўйиш *жан садақа* каби номлар билан маълум.

Ўрганилаётган даврда пахсадан уй-жой қуриш Хоразм воҳасига хос анъанавий усул бўлиб, аҳоли учун арзон ва қулай ҳисобланган. Хоразм усталари *энг моҳир пахса қуриувчи усталар* сифатида машҳур бўлганлар. Қурилишнинг қадди девор пахсасининг сонига қараб аниқланган. Иморат девори тўрт пахсадан иборат бўлса, *тўрт пахсали*, беш пахсадан иборат бўлса, *беш пахсали уй* деб аташган<sup>25</sup>. Пахса уйнинг ҳар бир пахса деворини кўтаришда бир қўй сўйилиб, патирлар ёпилган. Эрталаб янги сўйилган қўй гўштидан шўрва тайёрланган. Кўмакка келган ёрдамчиларга иссиқ патир ва

